

Инсонларнинг дард-у ташвишларини ўйлаб яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир



Шеробод туман ҳокими , 1-сектор раҳбари У.Алимов сектор ҳудудидаги “Ёшлик” маҳалласида бўлиб, ёшлар ва аҳоли вакиллари билан сайёр қабул ўтказди.

Унда сектор котиби, маҳалладаги бешлик, тегишли масъуллар, шунингдек, фуқаролар қатнашишди.

Сайёр қабулда қатор мурожаатлар келиб тушиб, айрим муаммолар манзилнинг ўзида ижобий ечим топган бўлса, қолган мурожаатлар тегишли масъулларга йўналтирилди ва ижроси назоратга олинди.

Қабулдан сўнг туман ҳокими ногиронлиги бўлган фуқароларни хонадонига ташриф буюриб ҳолидан хабар олинди.